

Ислом комиликка чорлайди



09:00 / 20.08.2021 2260

Аллоҳ таоло инсонни фақат моддий манфаатлар орқасидан қувадиган ёки фақат руҳий ибодатлар билан машғул бўладиган қилиб яратгани йўқ. Балки, ҳар икки тарафга ҳам ҳожати тушадиган ва ҳар икки тарафни тўғри бошқариб борса, камолга етадиган қилиб яратган. Ҳаддан ташқари руҳий нарсаларга берилиб кетишдан кўра ўртача ҳолатда бўлиш инсон жамиятига мос нарсадир. Бу таълимот фақат Исломда бор, холос.

Исломнинг бу борадаги таълимотларига амал қилган мусулмонларнинг ҳаёти кўпига мусулмонмас кишиларни, олимларни ҳам қувонтирган. Ўшандай кишилардан бири машҳур шотландиялик олим Уильям Монтгомери Уоттдир. У ўзининг дунёга машҳур «Исломнинг ўрта аср еропасига таъсири» номли китобида, чиройли яшаш санъати сарлавҳаси остида жумладан қуйидагиларни ёзади:

«Айтиш керакки, Ислом ҳашаматга ружу қўйишни қоралайди. Бироқ бу бобда баён этилган кўпгина фактлар жуда қизиқарлидир».

Испаниядаги араблар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва фойдали қазилмаларнинг кўплиги ҳеч бўлмаганда бой одамлар учун ҳаёт қувончларини кўпайтириш йўлида фойдаланганлар. Бироқ камбағалроқ табақалар ҳам мамлакатнинг бойликларидан маълум улуш олар эди. Севильядаги Алькасарнинг ёки Гранададаги Альгамбранинг чиройига мафтун бўлган сайёҳ замондошимиз бу қасрларнинг собиқ эгалари қанчалар ҳашаматга бурканганлигини тасаввур ҳам қила олмайди, адабий тадқиқотчилар эса бу фаровон ҳаётнинг намуналарини ўша даврнинг ҳикоя ва шеърларидан топишлари мумкин.

Мусулмон Испаниясида ички бозор учун ҳам, импорт учун ҳам зеб-зийнат ва бошқа ҳашамат ашёлари ишлаб чиқарувчи турли касб-ҳунарлар ривожлангани ажабланарли ҳол эмас. Улар орасида айниқса ажойиб юпқа мовут матолар, каноп ва ипак газламалар бўлиб, уларнинг баъзи намуналари бугунги кунгача сақланиб қолган. Испанияда мўйна саноати ҳам жуда ривожланган бўлиб, улардан либосларнинг бир қисми сифатида ҳам, ташқи қоплама сифатида ҳам фойдаланилар эди. Кулолчилик ҳамда кошин (кафель) ишлаб чиқариш гуркираб ривожланар, бу технологиялар ҳам Шарқдан олиб келинган эди. IX асрнинг иккинчи ярмида Қуртубада биллур ишлаб чиқаришнинг сирлари кашф қилинди. Бу ўлкада мис ва бронзадан нафис идишлар ва турли ҳайкалчалар ясовчи усталар жуда кўп эди. X асрга келиб Қуртуба олтин ва кумушга ишлов бериш ва заргарлик санъати бўйича Византия билан рақобатлаша бошлади. Кўзни қамаштирувчи марварид маржонлар, билакузуклар, сирғалар ва бошқа турфа хил тақинчоқлар ўша давр усталарининг маҳорати ва бадий савияси нақадар юксак бўлганини кўриш мумкин. Фил суягидан ясалган санъат асарлари ҳақида ҳам худди шу фикрни билдириш мумкин. Ана шундай ҳунармандчилик йўналишларидан бири ёғоч ўймакорлиги бўлиб, бу санъат асарлари садаф ва фил суягидан ясалган нақшлар билан безатилар эди. Терига ишлов бериш ва чарм билан ишлаш бўйича ҳам жуда кўп безак ишлари мавжуд бўлиб, улар орасида китобларга муқова ясаш асосий ўрин эгаллар эди.

Бу гўзал санъат асарларини биз ҳозир мағрибий (мавритан) деб атайдиган ажойиб биноларда учратамиз. Бу бинолар маҳаллий хом ашёлар ёрдамида қурилган. Ҳатто мавритания меъморчилигига хос бўлган тақасимон пештоқнинг шакли ҳам вестготларнинг иморатларидан андоза олинган

бўлса керак. Шундай бўлса-да, испан тилидаги кўпгина сўзлар қурилиш техникасига оид кўпгина янгиликлар айнан арабларга хослигидан далолат беради. Ҳатто иморат, уй (*alarife, albanil*) сўзлари ҳам араб тилидан кириб келган. Улар қаторига *alcazar, alcoba, azulejo, azotea, baldosa, zagan, aldaba, alfeizar, falleba* каби сўзларни ҳам киритиш мумкин.

Маълумотларга кўра, Испанияга византиялик усталар олиб келинган, бироқ бу ерда барибир Шом меъморчилигининг таъсири кучли, зеро Испанияда мусулмон усталар ҳам ишлашган. (*Арабларнинг меъморчиликка таъсири ҳақида қуйидаги манбага қаранг: Americo Castro. The Structure of Spanish History, Princeton, 1954, 97 ва кейинги бетлар*).

Ҳақиқий фаровон ҳаётни ташкил қилувчи бу унсурларни бир жойга жамлашдан аввал жамиятда ёки ҳеч бўлмаганда унинг олий табақаларида ўта нозик таъб шаклланиши лозим эди. Бунда айниқса Шарқнинг Мадинаи мунаввара ва Бағдод каби марказларининг таъсири жуда муҳим бўлган.

«Олам ва одам, дин ва илм» китоби асосида тайёрланди